

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

40-41-сон  
(124-125)  
2004 й.  
октябрь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари түплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонуналари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### *Биринчи бўлим*

433. «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги 692-II-сон Қонуни

434. «Янги таҳрирдаги «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 2004 йил 26 августдаги 693-II-сон қарори

### *Иккинчи бўлим*

435. «Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 октябрдаги ПФ-3498-сон Фармони

### *Учинчи бўлим*

436. «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 сентябрдаги 455-сон қарори

438. «Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 12 октябрдаги 470-сон қарори
439. «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси таркибига ўзгартериш кириши тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 12 октябрдаги 471-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

440. «Ўзбекистон Республикасида чет эллик юридик шахсларнинг даромад (фойда)-ларини солиқка тортиш тартиби тўғрисида йўрикномани тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитасининг 2004 йил 15 июнданги 87, 2004-36-сон қарори (янги таҳрирда). (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 5 октябряда 1416-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
441. «Маълумотларни узатиш тармоқлари, шу жумладан Интернет хизматларини кўрсатиш коидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2004 йил 25 августдаги 282-сон бўйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 5 октябряда 1417-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- 442.«Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўрикномага ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитасининг 2004 йил 30 сентябрдаги 109, 2004-59-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 12 октябряда 1238-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
443. «Ўзбекистон Республикаси банкларида пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўрикномага 4-сон қўшимчалар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 2 октябрдаги 21 / 3-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 12 октябряда 1156-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
444. «Вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш) божхона режими тўғрисида низомни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 8 октябрдаги 01-02 / 12-34-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 14 октябряда 1418-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш холати тўғрисида 2004 йил 2 октябрдан 15 октябргacha бўлган маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОNUНИ

### **433 «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 86-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 5, 89-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда) ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансан (илова қилинади).

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 26 август,  
692-II-сон

### **ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ТЎҒРИСИДА**

**[янги таҳрири]**

#### **I. Умумий қоидалар**

##### **1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади фермер хўжаликларининг ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

##### **2-модда. Фермер хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Фермер хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатdir.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг фермер хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

##### **3-модда. Фермер хўжалиги**

Фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъектdir.

**4-модда. Фермер хўжалигининг бошлиғи**

Фермер хўжалигининг бошлиғи шу хўжаликнинг муассиси — фермердир. Ўн саккиз ёшга тўлган, қишлоқ хўжалигида тегишли малака ёки иш тажрибасига эга бўлган шахс фермер бўлиши мумкин.

Бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда фермер хўжалиги номидан ана шу хўжалик бошлиғи иш кўради.

**II. Фермер хўжалигини ташкил этиш****5-модда. Фермер хўжалигини ташкил этиш шартлари**

Фермер хўжалиги аксарият ҳолларда ортиқча меҳнат ресурслари бўлмаган ерларда ва худудларда ташкил этилади.

Чорвачилик маҳсулоти этиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалиги камида 30 шартли бош чорва моли бўлган тақдирда ташкил этилади. Фермер хўжалигига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли бош чорва молга хисоблаганда Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидағи сугориладиган ерларда камида 0,3 гектарни, бошқа вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги сугориладиган ерларда камида 0,45 гектарни, сугорилмайдиган (лалмикор) ерларда эса камида 2 гектарни ташкил этади.

Дехқончилик маҳсулоти этиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами пахтачилик ва ғаллачилик учун камида 10 гектарни, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинларни этиштириш учун камида 1 гектарни ташкил этади.

Ер участкалари берилганда фермер хўжалиги ўз зиммасига қишлоқ хўжалик экинларининг хосилдорлиги (уч йил учун ўртacha йиллик хосил хисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш мажбуриятини олади. Бу мажбурият ер участкасини ижарага олиш шартномасида мустаҳкамлаб қўйилади.

**6-модда. Фермер хўжалигини ташкил этиш тартиби**

Фермер хўжалиги шу хўжалик бошлиғи томонидан ташкил этилади, у фермер хўжалигига тегишлича алоҳида мол-мулк ажратиб беради ва уставини тасдиқлайди.

Фермер хўжалиги ташкил этиш учун унинг бошлиғи белгиланган тартибда ер участкаси олиши керак.

**7-модда. Фермер хўжалигини давлат рўйхатига олиш**

Фермер хўжалиги белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан ташкил этилган деб хисобланади. Фермер хўжалиги ваколатли орган томонидан давлат рўйхатига олинганидан кейин юридик шахс мақомини олади, банк муассасасида ҳисоб-китоб вараги ва бошқа хил ҳисобварақлар очишга, ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлишга ҳақли.

Фермер хўжалиги ташкил этишнинг ушбу Конунда белгиланган тартиби бузилган ёки хўжаликнинг устави қонунга мувоғик бўлмаган тақдирда фермер хўжалигини давлат рўйхатига олиш рад этилиши мумкин.

Давлат рўйхатига олиш рад этилганлиги, шунингдек рўйхатга олиш муддатларининг бузилганлиги устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

**8-модда. Фермер хўжалигининг устави**

Фермер хўжалиги устав асосида фаолият кўрсатади.

Фермер хўжалигининг намунавий устави Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланади.

#### **9-модда. Фермер хўжалиги уставининг мазмуни**

Фермер хўжалигининг уставида куйидагилар кўрсатилиши керак:

- фермер хўжалигининг номи;
- фермер хўжалиги бошлигининг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи;
- фермер хўжалигининг жойлашган ери тўғрисидаги маълумотлар ва почта манзили;
- фермер хўжалигининг ихтисослашуви ва фаолиятининг асосий турлари;
- устав фондининг миқдори.

Фермер хўжалигининг уставида қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам бўлиши мумкин.

### **III. Фермер хўжаликлари юритиш учун ер участкалари бериш. Ердан ва сувдан фойдаланиш**

#### **10-модда. Фермер хўжаликлари юритиш учун бериладиган ер участкалари**

Фермер хўжаликлари юритиш учун ер участкалари:

- захира ерлардан;
- юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан;
- қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкаларидан;
- қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкаларидан берилади.

Фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкаларидан берилган ер участкалари уларнинг балансидан чиқарилади.

Илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари, академик лицейлар, касбхунар коллежлари ва умумтаълим мактабларининг ерлари, шунингдек сув фонди ерлари фермер хўжаликларига берилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси, катта ва кичик дарёлар, сув ҳавзалари бўйлаб жойлашган ер участкалари фермер хўжалиги юритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилади. Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси бўйлаб беш юз метрли минтақада фаолияти ҳайвонларни (чорва моллар, паррандалар, мўйнали ва бошқа ҳайвонларни, балиқлар, асалариларни, ҳайвонот боғлари ҳамда виварийларнинг ҳайвонларини ва бошқа жониворларни) кўпайтириш, ўтлатиш ва боқиши билан боғлик бўлган чорвачилик, паррандачилик ҳамда бошқа йўналишдаги фермер хўжаликларига ер участкалари бериш тақиқланади.

#### **11-модда. Фермер хўжаликлари юритиш учун ер участкалари бериш тартиби**

Фермер хўжаликлари юритиш учун ер участкалари танлов асосида ижарага эллик йилгача бўлган, лекин ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга берилади.

Фермер хўжалиги юритиш учун ер участкасини олишда фермер хўжалиги ташкил этилаётган жойда яшовчи шахслар устун ҳуқуқдан фойдаланадилар.

Захира ерлардан ёки юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ер участкалари ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси ўтказган танлов якунларига кўра туман ҳокимининг қарорига асосан берилади.

Қайта ташкил этилаётган ва тутатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативларинг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкалари маҳсус ташкил этилган комиссия ўтказган танлов якунларига кўра туман ҳокимининг қарорига асосан берилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкалари мазкур кооперативнинг (ширкат хўжалигининг) ёки корхона, муассаса, ташкилотнинг аъзоларига (ходимларига) фермер хўжалиги юритиш учун қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) умумий йиғилиши томонидан, бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси, муассасаси ва ташкилотининг ваколатли органи томонидан ўтказилган танлов якунларига кўра туман ҳокимининг қарорига асосан берилиши мумкин.

Туман ҳокимининг фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисидаги қарори вилоят ҳокими бошчилик қиласидаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссияси томонидан тасдиқланганидан кейин кучга киради.

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) умумий йиғилиши ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси, муассасаси ва ташкилотининг ваколатли органи фермер хўжаликларига берилиши лозим бўлган ер участкаларини ижаарачини аниқламаган ҳолда белгилashi мумкин. Бундай ҳолда фермер хўжалигига ер участкаси ушбу модданинг учинчи қисмida назарда тутилган тартибда берилади.

Ер участкасини ижарага олиш шартномаси фермер хўжалигининг бошлифи ва туман ҳокими томонидан имзоланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий йиғилишининг, бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси, муассасаси ва ташкилоти ваколатли органининг ҳамда туман ҳокимининг ер участкаси беришни рад этиш тўғрисидаги қарорлари устидан, шунингдек ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясининг туман ҳокимининг қарорини тасдиқлашни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга ёки бўйсунув тартибда юкори турувчи органга, мансабдор шахсга шикоят қилиш мумкин.

Фермер хўжалиги юритиш учун ер участкалари олган ва қишлоқ ахоли пунктида турар жойи бўлган шахсларнинг томорқа ер участкаси сақланиб қолади.

Фермер хўжалигининг ер участкаси чегаралари натурада (жойнинг ўзида) ер тузиш хизмати органлари томонидан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан белгиланади.

## **12-модда. Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлири) аъзолари томонидан фермер хўжалигини ташкил этиш хусусиятлари**

Қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) таркибидан чиқиши ва фермер хўжалигини мустақил юритиш истагини билдирган аъзолари кооператив (ширкат) уставига биноан ўзларига тегишли мулкий пай қийматини ҳамда

даромаддан (фойдадан) улуш олишга ҳақли, улушнинг микдори кооператив (ширкат) аъзосининг меҳнатдаги иштироки инобатга олинган холда аникланади. Мазкур шахслар фермер хўжалиги юритиш учун ер участкасини қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий мажлисининг қарорига биноан ушбу Қонуннинг 11-моддасида белгиланган тартибда ижарага олиш хукукига эга. Бунда ер участкасининг ижарага берилиши қишлоқ хўжалиги кооперативини (ширкат хўжалигини) унинг фаолият кўрсатиши учун зарур ер ресурслари ва асосий ишлаб чиқариш фондларидан маҳрум этиб қўймаслиги лозим.

### **13-модда. Ердан фойдаланиш**

Фермер хўжалигининг ер участкасига эгалик қилиш ҳамда ундан фойдаланиш борасидаги хукуқ ва мажбуриятлари қонун хужжатларида белгиланади.

Фермер хўжалигига берилган ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланилади. Улар хусусийлаштирилиши, шунингдек олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш обьекти бўлиши ва иккиласи ижарага берилиши мумкин эмас.

Ер участкасини ижарага олиш хукуки кредитлар олишда фермер хўжалиги томонидан гаровга қўйилиши мумкин.

Фермер хўжалигига берилган ер участкаси фермер хўжалиги қайта ташкил этилган тақдирда, агар ер участкасининг бўлиниши натижасида янги ташкил топган ер участкаларининг ўлчами ушбу Қонуннинг 5-моддасида назарда тутилган энг кам ўлчамлардан кам бўлмаса, бўлиниши мумкин.

Ер участкасининг ўлчами ва чегаралари фақат фермер хўжалиги бошлигининг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

Фермер хўжалиги бошлиги вафот этган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш хукуки қонун хужжатларига мувофиқ ижарага олиш шартномасининг амал қилиш муддатига мерос бўйича ўтади.

Ер участкасини ижарага олиш шартномасининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин фермер хўжалиги ижарага олиш шартномасини янги муддатга узайтириш хукуқига эга. Фермер хўжалигининг бошлиги вафот этган тақдирда, ижарага олиш шартномасини янги муддатга узайтириш хукуқига унинг меросхўри эга бўлади.

Ер участкасини ижарага олиш шартномаси тарафларнинг келишувига биноан, тарафлар келишувга эришмаган тақдирда эса, суд томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Фермер хўжалиги тутатилган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш шартномаси қонун хужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиниши мумкин.

### **14-модда. Ер участкасидан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ**

Фермер хўжалигига берилган ер участкасидан фойдаланганлик учун ҳақ маҳаллий бюджетга тўланадиган ҳар йилги ижара ҳақи тарикасида ер участкасининг сифатига, жойлашган ери ва сув билан таъминланганлик даражасига қараб, ернинг кадастр баҳосини инобатга олган холда белгиланадиган ягона ер солиги ставкаси микдорида ундирилади.

Давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида фермер хўжалиги ер участкасидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашдан озод этилади.

Фермер хўжалиги тегишли лойихада назарда тутилган ерни ўз хисобидан ўзлаштираётган даврда ва ер ўзлаштириб бўлинганидан кейин беш йил давомида ернинг мазкур ўзлаштирилган қисми учун ягона ер солиги тўлашдан озод қилинади.

**15-модда. Сувдан фойдаланиш**

Фермер хўжаликлари учун сувдан фойдаланиш лимитлари ваколатли органлар томонидан белгиланади.

**IV. Фермер хўжалигининг хуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда мол-мулки**

**16-модда. Фермер хўжалигининг хуқуқлари**

Фермер хўжалиги қўйидаги хуқуқларга эга:

берилган ер участкасида ўз уставида назарда тутилган ихтисослашувга ва ижарага олиш шартномасига мувофиқ фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш;

ихтисослашувни ҳисобга олган ҳолда ва тузилган контрактация шартномалари асосида қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришни амалга ошириш;

харид қилинадиган маҳсулотга олдиндан ҳақ тўланадиган фьючерс контрактлари тузиш;

етиштирган маҳсулотини, шу жумладан бу маҳсулотни истеъмолчиларга реализация қилиш хуқуқини ўз хоҳишига кўра тасарруф этиш;

етиштираётган маҳсулоти, бажараётган ишлари ва кўрсатаётган хизматларига нарх белгилаш;

электр энергияси, ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, ўсимликларни химоя қилишнинг кимёвий воситалари етказиб берилиши, хизматлар кўрсатилиши юзасидан шартномалар тузиш;

тадбиркорлик фаолиятидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда солик солинадиган, чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш;

олган даромадларини (фойдасини), банк муассасасидаги ўзининг ҳисобваракларида бўлган пул маблағларини тасарруф этиш;

акциялар ва бошқа қимматли қозозлар олиш;

кредитлар олиш, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини ҳамда бошқа мол-мулкини шартнома асосида жалб этиш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга ва такрор ишлаб чиқаришга йўналтириш;

кредитлар олиш учун ўз мол-мулкини, шунингдек ер участкасини ижарага олиш хуқуқини гаровга қўйиш;

кичик ҳамда хусусий корхоналар учун берилган имтиёзлар ва преференцияларнинг барча турларидан фойдаланиш;

зарур асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш воситалари ҳамда бошқа мол-мулкни олиш, ижарага олиш, бинолар ва иншоотлар қуриш ҳамда уларни таъмирлаш;

ўз хуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш учун судга мурожаат этиш.

Фермер хўжалиги қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**17-модда. Фермер хўжалигининг мажбуриятлари**

Фермер хўжалиги:

ер участкасидан қонун хужжатларида ва ижарага олиш шартномасида кўрса-тилган шартлар асосида, белгиланган мақсадда, самарали ва оқилона фойдаланилишини таъминлаши;

экологик талабларга ва атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидаларига риоя этиши;

ер участкасининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унинг унумдорлигини сақлаб колиш ва ошириш тадбир-чораларини кўриши, бизнес-режада шу максад учун маблағлар ажратилишини назарда тутиши;

агар ижарага олиш шартномасида бошқа муддат белгиланган бўлмаса, ер участкаси берилган вақтдан эътиборан бир йил ичиде ундан фойдаланишга киришиши;

тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулоти назарда тутилган ҳажмларда етказиб берилишини таъминлаши;

ғўза ва дон экинларини навлар бўйича жойлаштиришнинг белгиланган талабларига риоя этиши;

сув ресурсларидан сувдан лимит бўйича фойдаланиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ фойдаланиши;

хўжалик ичидаги мелиоратив тармоқни тозалаб ва таъмирлаб туриши;

ер участкасини сақлаш шартларига ва сервитутларга риоя этиши;

ўз ходимлари учун хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаши;

солиқлар, ўйғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни конун хужжатларида белгиланган тартибда ўз вақтида тўлаши;

қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришда агротехника талабларига риоя этиши;

қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг зааркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт.

Фермер хўжалиги зиммасида қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар хам бўлиши мумкин.

### **18-модда. Фермер хўжалигининг устав фонди**

Фермер хўжалигининг устав фонди фермер хўжалиги бошлиғи томонидан белгиланади.

Пул, қимматли коғозлар, бинолар, иншоотлар, бошқа мол-мулк ёки пул билан баҳоланадиган мулкий ҳуқуқлар фермер хўжалигининг устав фондига қўшиладиган хисса бўлиши мумкин.

Агар фермер хўжалигининг устав фонди шакллантирилаётганда фермер хўжалигининг бошлиғи ўз оила аъзоларининг умумий (улушли ёки биргаликдаги) мулки хисобланган мол-мулкни фермер хўжалигига топшираётган бўлса, ушбу мол-мулкнинг барча мулкдорларидан нотариал тасдиқланган розилик олиш талаб этилади.

Фермер хўжалигининг устав фондини кўпайтириш ва камайтириш фермер хўжалиги бошлиғининг қарорига кўра фермер хўжалиги уставига ўзгартишлар киритиш йўли билан амалга оширилади.

### **19-модда. Фермер хўжалигининг мулк ҳуқуқи**

Фермер хўжалигининг мулк ҳуқуқи давлат химоясидадир.

Бинолар, иншоотлар, қишлоқ хўжалиги экинзорлари ва кўчатзорлари, дов-даражатлар, чорва моллар, паррандаларга, етиштирган маҳсулотига, қишлоқ хўжалик техникаси, инвентарь, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, пул маблағлари, интеллектуал мулк обьектларига, шунингдек фермер хўжалигининг балансидаги бошқа мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи фермер хўжалигига қарашлидир.

Фермер хўжалиги бошлиғининг пул ва моддий маблағлари, товарларни реализация қилишдан (ишлар бажаришдан, хизматлар кўрсатишдан) олинган даромадлар

(фойда), кимматли қоғозлардан келган даромадлар, қонунларда тақиқланмаган бошқа манбалар фермер хўжалигининг мол-мулкини шакллантириш манбалари бўлиши мумкин.

Фермер хўжалиги қонун хужжатларида белгиланган тартибда мол-мулкни яратиш, кўпайтириш, олиш, ижарага ёки вактинча фойдаланишга олиш хукуқига эга.

#### **20-модда. Фермер хўжалигининг маблағлари ва ҳисоб-китоблари**

Фермер хўжалиги пул муомаласини юритиш ҳамда пул маблағларини сақлаб туриш учун банк муассасасида ҳисобвараклар очиш ва бу маблағларни эркин тасарруф этиш хукуқига эга. Фермер хўжалигининг ҳисоб-китоб варагидан маблағларни факат фермер хўжалиги бошлигининг розилиги билан ёки суднинг қарорига биноан ҳисобдан чиқариш мумкин.

#### **21-модда. Фермер хўжалигининг мол-мулкини мерос қилиб қолдириш**

Фермер хўжалигининг мол-мулки қонун хужжатларига мувофиқ мерос қилиб қолдирилади. Хўжаликда фаолиятни давом эттираётган меросхўрлар меросга бўлган хукуқ тўғрисидаги гувоҳнома берилганлиги учун давлат божи тўлашдан озод этиладилар.

### **V. Фермер хўжалиги фаолиятининг ташкил этилиши**

#### **22-модда. Фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолияти**

Фермер хўжалиги ўз уставида ва ер участкасини ижарага олиш шартномасида назарда тутилган ихтисослашувга мувофиқ фаолияти ўйналишларини, ишлаб чиқариш тузилмаси ва ҳажмларини мустакил равишда белгилайди. Фермер хўжалиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг қонунларда тақиқланмаган ҳар қандай тури билан, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ва реализация қилиш билан шуғулланишга ҳақли.

Фермер хўжалиги ўзи этиштираётган маҳсулот сифатига оид нормативлар ва стандартларга, экологияга, санитарияга тааллукли ҳамда қонун хужжатларида белгилаб қўйилган бошқа талаблар ва коидаларга риоя этиши шарт.

Фермер хўжаликларининг хўжалик фаолиятига давлат органлари ҳамда бошқа органлар ва ташкилотлар, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари аралашувига йўл қўйилмайди.

Давлат органлари ҳамда бошқа органлар ва ташкилотларнинг файриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ва фуқароларнинг файриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фермер хўжалигига етказилган заарлар, шу жумладан бой берилган фойда қонун хужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

Фермер хўжалиги ташқи иқтисодий фаолиятни белгиланган тартибда амалга оширади.

#### **23-модда. Фермер хўжалигидаги меҳнат**

Фермер хўжалиги (иш берувчи) ва унинг ходимлари ўртасидаги меҳнатга оид муносабатлар қонун хужжатларига мувофиқ меҳнат шартномаси (контракти) билан тартибга солинади.

Фермер хўжалигидаги иш тартиби хўжалик бошлиғи томонидан қонун хуж-

жатларига мувофик белгиланади. Фермер хўжалиги ходимларининг меҳнат фаолияти хисобини олиб бориш хўжалик бошлиғи томонидан ташкил этилади.

Фермер хўжалиги ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тарафларнинг келишувига кўра пул ҳамда натура тарзида, қонун хужжатларида белгиланган энг кам иш хақидан оз бўлмаган миқдорда белгиланади.

Фермер хўжалигининг бошлиғи ва ходимлари давлат ижтимоий сұфуртасидан ўтказилади. Уларга давлат ижтимоий сұфуртаси бўйича нафақалар ва пенсиялар тайинлаш ҳамда тўлаш қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва шартлар асосида амалга оширилади.

#### **24-модда. Махсулотни фермер хўжалиги томонидан реализация қилиш тартиби**

Фермер хўжалиги ўзи етишираётган маҳсулотни реализация қилиш, шу жумладан давлат эктиёжлари учун реализация қилиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар билан хўжалик шартномалари тузиш хукуқига эга. Шартнома мажбуриятлари бузилган тақдирда тарафлар қонун хужжатларида ёки шартномада белгилangan тартибда жавобгар бўлади.

Фермер хўжалиги етиширираётган маҳсулотнинг экспортга етказиб берилиши қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

#### **25-модда. Фермер хўжаликларининг биргаликдаги фаолияти**

Фермер хўжаликлари ихтиёрийлик асосида бирлашиши, маҳсулот етишириш, харид қилиш, уни қайта ишлаш ва сотиш, моддий-техника таъминоти, курилиш, техникавий, сув хўжалиги, ветеринария, агрокимё, маслаҳат бериш йўсинидаги ва бошқа хил хизматлар кўрсатиш бўйича уюшмалар ҳамда бошқа бирлашмаларга кириши мумкин.

#### **26-модда. Фермер хўжалигини кредитлаш ва сұфурталаш**

Фермер хўжалигини ишлаб чиқариш ахамиятига молик обьектлар курилиши, асосий ишлаб чиқариш воситаларини олиш учун узоқ муддатли кредитлаш ҳамда унинг жорий ишлаб чиқариш фаолиятини қисқа муддатли кредитлаш кредит шартномаси асосида амалга оширилади.

Фермер хўжалигини имтиёзли кредитлаш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Фермер хўжалиги ўзига қарашли ва ижарага олинган ишлаб чиқариш воситаларининг, қишлоқ хўжалиги экинзорлари ва кўчкатзорларининг, кўп йиллик довдараҳтларнинг, етиширган маҳсулотининг, хом ашёнинг, материалларнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши), кам чиқиши ёки шикастланиши хавфини, тадбиркорлик хавфини, шунингдек шартномаларни бузганлик учун ўзининг жавобгарлик хавфини ихтиёрийлик асосида сұфурта қилдиради ҳамда қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва шартлар асосида сұфурта товони (сұфурта суммаси) олади.

#### **27-модда. Фермер хўжалигига солиқ солиш**

Қонун хужжатларига мувофик фермер хўжалиги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар, йиғимлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар тўлайди.

Фермер хўжалигининг фойдаси солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин фермер хўжалиги бошлиғининг тасарруфига ўтади ва унга солиқ солинмайди.

**28-модда. Фермер хўжалиги фаолиятининг натижаларини ҳисобга олиш**

Фермер хўжалиги ўз фаолиятининг натижаларини ҳисобга олиб боради ҳамда маҳаллий статистика ва солиқ органларига белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этади.

## VI. Якунловчи қоидалар

**29-модда. Фермер хўжаликларини давлат йўли билан ва бошқа тарзда қўллаб-қувватлаш**

Давлат фермер хўжаликларининг хуқуқларига риоя этилишини ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлади.

Давлат органлари фермер хўжаликларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашишлари шарт.

Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари қонун хужжатларида белгиланган тартибда:

ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маиший аҳамиятга молик обьектлари бўлмаган худудда фермер хўжаликлари ташкил этилганида мазкур худудни бирламчи ободонлаштиришни (йўллар, электр узатиш ва алока линиялари қуришни, сув билан тъминлашни, газлаштиришни, телефонлаштиришни, радиолаштиришни, ер тузиши, ерларни мелиорациялашни) амалга оширадилар;

ишлаб чиқариш обьектлари ва турар жойларни барпо этишда фермер хўжаликларига ёрдам қўрсатадилар;

қишлоқ хўжалик экинларининг навли уруғлик ҳамда қўчатлари, органик ва минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалик ўсимликларини заараркунандалардан, касалликлар ҳамда бегона ўтлардан ҳимоя қилиш воситалари етказиб бериш юзасидан давлат агротехника хизмати қўрсатиш тизими орқали хизматлар, шунингдек техникаий хизмат қўрсатадилар;

қишлоқ хўжалиги техникаси, асбоб-ускуналар ва инвентарларни лизинг асосида сотиб олишга кўмаклашадилар;

зотдор чорва моллар ва паррандалар, шунингдек омихта ем сотиб олишда кўмаклашадилар;

фермер хўжаликларининг чорва молларига зооветеринария хизмати қўрсатилиши учун зарур шароитлар яратиб берадилар;

фермер хўжаликлирида этиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотини тайёрлаш ва реализация қилишда кўмаклашадилар;

ноқишлоқ хўжалик йўналишидаги ишлаб чиқаришларни ташкил этаётган фермерларни раббатлантирадилар;

консалтинг, ахборот йўсенидаги ва бошқа хил хизматлар қўрсатадилар.

Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қонун хужжатларида назарда тутилган қўллаб-қувватлашнинг бошқа шакллари фермер хўжаликларига ҳам татбиқ этилади.

**30-модда. Фермер хўжалиги фаолиятини текшириш чекланганлиги**

Фермер хўжалиги фаолиятини текшириш, давлат эҳтиёjlари учун маҳсулот реализация қилиш шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ёки ер тўғрисидаги қонун хужжатлари бузилганлигига далиллар бўлган, шунингдек ягона ер солиғи ўз вакти-

да тўланмаган ҳолларда, ижарага олиш шартномасига мувофиқ ижарага берилган ер участкасидан фақат белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланиш масалалари бўйича, белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **31-модда. Фермер хўжалигини қайта ташкил этиш**

Фермер хўжалигини қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **32-модда. Фермер хўжалигини тугатиш асослари**

Фермер хўжалиги қўйидаги ҳолларда тугатилади:

ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечилганида;

фермер хўжалиги банкрот деб топилганда, шу жумладан моддий-техника ресурслари етказиб берувчилар, иш бажарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар билан хисоб-китоб мунтазам равишда амалга оширилмаганида;

фермер хўжалигининг бошлиғи вафот этиб, хўжалик фаолиятини давом эттиришни хоҳловчи меросхўр бўлмаса;

давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ёки ер тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун, шу жумладан фермер хўжалиги ер участкасидан белгиланган мақсадда фойдаланмаганида, хусусан контрактация шартномасида назарда тутилмаган қишлоқ хўжалиги экинларини экканида ер участкасини олиб қўйиш зарурати бўлган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш шартномаси белгиланган тартибда бекор қилинса.

### **33-модда. Фермер хўжалигини тугатиш тартиби**

Фермер хўжалиги:

фермер хўжалиги бошлигининг қарорига биноан;

қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда суднинг қарорига биноан тугатилади.

Фермер хўжалигини тугатиш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **34-модда. Низоларни ҳал этиш**

Фермер хўжаликларининг ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши соҳасидаги низолар қонун хужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

### **35-модда. Фермер хўжалигининг мажбуриятлари бўйича жавобгарлик**

Фермер хўжалиги ўз мажбуриятлари бўйича, шу жумладан тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулоти назарда тутилган ҳажмларда етказиб берилишини таъминлаш бўйича, шунингдек моддий-техника ресурслари етказиб берилганлиги ва хизматлар кўрсатилганлиги учун ўз вақтида ҳақ тўлаш бўйича қонунларга мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлган ўз мол-мулки билан жавоб беради.

Фермер хўжалигининг бошлиғи фермер хўжалигининг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда фермер хўжалигининг мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол-мулк билан қонун хужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар бўлади.

Ходимнинг меҳнат мажбуриятларини бажариши муносабати билан унинг хаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун жавобгар қайта ташкил этилаётган ёки тугати-

лаётган фермер хўжалигида маблағ бўлмаган ёхуд етарли бўлмаган тақдирда, ундирилиши лозим бўлган суммалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда давлат томонидан тўланади.

**36-модда. Фермер хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Фермер хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбордor шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИННИГ ҚАРОРИ

**434 Янги таҳрирдаги «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги  
Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш  
ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. Янги таҳрирдаги «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Ш. Мирзиёев) ўз қарорларини янги таҳрирдаги «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштиурсин, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишиларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Раиси Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 26 август,  
693-II-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### **435 Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасини ташкил этиш тўғрисида**

Республика худудида барча транспорт турларининг юк ва йўловчилар ташиш ишларини мақбул холга келтириш, самарадорлигини ошириш ҳамда оқилона ташкил этиш, транспорт коммуникацияларини жадал ривожлантириш ва барқарор ишлашини таъминлаш, транспортда юк ва йўловчилар ташиш соҳасидаги ҳалқаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда трансмиллий транспорт йўлакларини ривожлантириш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришни кучайтириш мақсадида:

1. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллый авиакомпанияси, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, «Ўзавтойўл» ДАҚ, транспорт коммуникациялари қурилиши билан шугулланувчи республика лойиха ва қурилиш ташкилотларининг Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Куйидагилар Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси фаолиятининг асосий вазифалари ҳамда йўналишлари этиб белгилансин:

барча транспорт турлари — темир йўл, ҳаво, автомобиль ва дарё транспортини транспорт тузилмалари фаолиятини мақбул холга келтириш, республика худуди ва унинг ташқарисида юклар ҳамда йўловчилар ташиш самарадорлиги ва мақбуллигини таъминлашга қаратилган ҳамкорлигини мувофиқлаштириш;

иктисодиёт тармоқлари ҳамда ахолининг юк ва йўловчилар ташиш соҳасида муттасил ортиб бораёттан эҳтиёжларини хисобга олган холда республиканинг Ягона туташ транспорт тизимини истиқболда ривожлантириш комплекс дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил қилиш;

транспорт тармоғини ва логистика тизимини ривожлантириш, янги транспорт коммуникацияларини жадал суръатлар билан барпо этиш, уларнинг юк ва йўловчилар ташиш имкониятини ошириш ҳамда самарали фойдаланишни таъминлаш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш;

транспорт коммуникациялари ҳамда иншоотлари қуриш ва уларни реконструкциялаш, транспорт воситаларини янгилаш ва модернизациялаш учун инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб этишга кўмаклашиш, шунингдек инвестиция лойиҳаларининг бажарилиши устидан мониторингни амалга ошириш;

трансмиллий транспорт йўлакларини ривожлантириш бўйича таклифларни ҳалқаро ташкилотлар ва тузилмалар, хорижий мамлакатлар билан биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашиш, ҳалқаро юк ташувчиларга Ўзбекистон худуди бўйлаб транзит юклар ташишини кўпайтиришлари учун шарт-шароитлар яратиш, транспортда юк ва йўловчилар ташиш соҳасида хорижий давлатлар билан мустаҳкам, ўзаро манбаатли ва самарали алоқалар ўрнатиш;

транспортда юк ва йўловчилар ташиш соҳасида ҳамкорлик қилиш масалалари

бўйича халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манбаатларини ифода этиш;

республика транспорт тизими фаолиятининг барқарорлиги ва хавфсизлигини кучайтириш борасида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

3. Вазирлар Мажкамаси бир хафта муддатда Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат килиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 11 октябрь,  
ПФ-3498-сон

## УЧИНЧИ БҮЛİM

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **436 Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 27 сентябрдаги ПФ-3491-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда маданият ва спорт соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишни мувофиқлаштириш даражасини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги таркибиغا кирувчи ташкилотлар ва муассасалар рўйхати 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги марказий аппаратининг ходимларнинг чекланган умумий сони 72 киши, шу жумладан бошкарув ходимлари сони 55 киши бўлган тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қоракалпогистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармалари, туман (шаҳар) маданият ва спорт ишлари бўлимларининг намунавий тузилмаси, шунингдек маданият ва спорт ишлари худудий органлари ходимларининг чекланган умумий сони 3—5\*-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирига, зарурат бўлганда, ходимларнинг чекланган умумий сони доирасида Вазирликнинг марказий аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ҳамда Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсан ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги илгари Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ҳамда Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида ўрнатилган алоқа воситалари, шу жумладан ҳукумат алоқаси воситаларини Маданият ва спорт ишлари вазирлигига саклаб қолсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг марказий аппарати қўйидаги манзилга жойлаштирилсин: Тошкент шахри, Фурқат кўчаси, 1-й.

6. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 1996 йил 21 майдаги 185-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 1996 й., 5-сон, 17-модда);

\* 5-илова берилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 2004 йил 9 июнданги 272-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 6-сон, 55-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

амалдаги конун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан;

идоравий норматив ҳужжатлар ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

### **Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 30 сентябрь,  
455-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 30 сентябрдаги 455-сон қарорига  
1-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги таркибига кирувчи ташкилотлар ва муассасалар рўйхати**

#### **I. Маданият муассасалари**

1. «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси.
2. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси.
3. Академик, ҳалқ ва бадиий жамоалар дирекцияси.
4. Оркестрлар (симфоник оркестр, камер оркестри, ҳалқ чолғу асбоблари оркестири).
5. «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси.
6. «Ўзбекдавлатцирки» республика бирлашмаси.
7. «Сахнадаги цирк» кўчма корхоналар дирекцияси.
8. Олий таълим муассасалари (Ўзбекистон давлат консерваторияси, А. Қодирӣ номидаги Тошкент давлат маданият институти, Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти, Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби).
9. Ўрта маҳсус таълим муассасалари.
10. Республика методика ва ахборот маркази.
11. Ижодкор ёшлар уйи.
12. Ҳалқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-методик маркази.
13. Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси.
14. Бадиий экспертиза бошқармаси.
15. «Ўзбекмузей» республика жамғармаси, республика музейлари.


16. «Гулистон», «Театр», «Мозийдан садо» журналлари таҳририятлари.
17. Мусиқа ва санъат мактаблари.
18. Кутубхоналар.

## **II. Спорт муассасалари**

19. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти.
20. Олимпия захиралари республика коллежи, Тошкент шахри.
21. Спорт турлари бўйича олий спорт маҳорати республика мактаблари.
22. «Сертификатлаш ва компьютерлаштириш маркази» давлат унитар корхонаси.
23. «Спорт» газетаси таҳририяти.
24. Олимпия шухрати музейи.


Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 30 сентябрдаги 455-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги марказий аппаратининг тузилмаси



Вазирлар Махкамасининг  
2004 йил 30 сентябрдаги 455-сон қарорига  
З-ИЛОВА

**Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари  
вазирлигининг тузилмаси**




Вазирлар Махкамасининг  
2004 йил 30 сентябрдаги 455-сон қарорига  
За-ИЛОВА

**Вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари  
бошқармаларининг намунавий тузилмаси**



Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 30 сентябрдаги 455-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Туманлар (шаҳарлар) маданият ва спорт ишлари  
бўлимларининг намунавий тузилмаси**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**438 Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 11 октябрдаги ПФ-3498-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда республика ҳудудида ҳар хил транспорт турлари фаолиятини мувофиқлаштиришни янада такомиллаштириш мəсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Кўйидагилар:

Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасининг муассислари таркиби ҳамда ташкилий тузилмаси 1 ва 1а-иловаларга мувофиқ;

Уюшманинг ходимларининг чекланган умумий сони 30 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 25 нафар бўлган ижро этувчи аппарати тузилмаси 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Уюшма бошқаруви раисига зарурат бўлганда Уюшманинг ижро этувчи аппарати тузилмасига ходимларнинг чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуки берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси юридик шахс хукуқларига эга бўлган нотижорат ташкилот ҳисобланади;

Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси ижро этувчи аппаратининг таъминоти Уюшма уставига мувофиқ унинг муассислари ажратмалари хисобига амалга оширилади.

3. «Тоштемирийўлойиҳа» ва «Ўзйўллойиҳа» лойиҳалаш ташкилотларининг уларнинг тегишли акциядорлик компаниялари таркибидан чиқиши ҳамда бевосита Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасига унинг муассислари хукуқлари билан кириши тўғрисидаги қарорларига розилик берилсин.

4. Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси бир ой муддатда:

Уюшманинг таъсис йиғилишини ўтказсин ва унинг ижро этувчи аппаратини юқори малакали кадрлар билан таъминлаган ҳолда шакллантирсин;

Уюшманни ишлаб чиқсан ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасини белгиланган тартибда зарур алоқа турлари, шу жумладан Ҳукумат алоқаси билан таъминласин.

6. Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасининг ижро этувчи аппарати Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 16«а»-уйга жойлаширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 16«а»-уйда жойлашган бино коммуникацияларини Тошкент шаҳар ҳокимлиги бинолардан фойдаланиш дирекцияси балансидан Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси балансига бепул ўтказсинлар.

Белгилаб қўйилсинки, ўтказилаётган бино қиймати қўшилган қиймат солиғини ва даромад (фойда) солиғини хисоблашда солик солиш обьекти хисобланмайди.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказсин;

Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Махкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 12 октябрь,  
470-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 12 октябрдаги 470-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари  
уюшмаси муассисларининг таркиби**

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси  
«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси  
Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги  
«Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси  
«Ўздавтемирийўлназорат» — Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва  
йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси  
«Дававианазорат» — Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини на-  
зорат қилиш давлат инспекцияси  
Халқаро автомобилларда юк ташувчилар уюшмаси  
Халқаро экспедиторлар уюшмаси  
«Ўзтранссаноат» уюшмаси  
«Тоштемирийўллойиҳа» АЖ  
«Боштранслойиҳа» ОАЖ  
«Авиамахсусмонтаж» МЧЖ  
«Ўзийўллойиҳа» институти


Вазирлар Махкамасининг  
2004 йил 12 октябрдаги 470-сон қарорига  
1а-ИЛОВА

**Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари  
уюшмасининг ташкилий тузилмаси**



Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 12 октябрдаги 470-сон қарорига  
2-ЙЛОВА

### Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасининг ижро этувчи аппарати тузилмаси



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг ҚАРОРИ

## 439 «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси таркибига ўзгартериш киритиш тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг биринчи ўринbosари лавозими кисқартирилсин.

2. «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси таркибига бошқарув раисининг ўринbosари лавозими киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кимё саноати корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва кишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 23 январдаги 33-сон қарорида:

3-банднинг бешинчи хатбошидаги «биринчи ўринbosар — вазирнинг биринчи ўринbosарига» сўзлари чиқариб ташлансин;

карорнинг 2-иловасидаги «Raиснинг биринчи ўринbosари» сўзлари «Raис ўринbosари» сўзлари билан алмаштирилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 12 октябрь,  
471-сон

## БЕШИНЧИ БҮЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИННИГ  
ҚАРОРИ

**440** **Ўзбекистон Республикасида чет эллик юридик шахсларни даромад (фойда)ларини солиққа тортиш тартиби тўғрисида йўриқномани (янги таҳрирда) тасдиқлаш хақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
5 октябрда 1416-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 15 октябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Солик кодекси, «Давлат солик хизмати тўғрисида»-ги Конуннинг 7-моддасига асосан, **қарор қиласмиз**:

1. Илова\* килинаётган Ўзбекистон Республикасида чет эллик юридик шахсларни даромад (фойда)ларини солиққа тортиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (янги таҳрирда) тасдиқлансин.

2. Қуидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитасининг 1998 йил 13 июлда 37- ва 98-105-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида чет эллик юридик шахсларни даромад (фойда)ларини солиққа тортиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (1998 йил 8 октябрь, рўйхат рақами 498-сон);

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Давлат солик қўмитасининг 1998 йил 13 август 37/98-105-сон билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 8 октябрда 498-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикасида чет эллик юридик шахсларни даромад (фойда)ларини солиққа тортиш тартиби тўғрисидаги»ги йўриқномага Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Давлат солик қўмитасининг 1999 йил 24 сентябрда 79 ва 99-117-сон билан тасдиқланган 1-сон қўшимча (1999 йил 28 сентябрь, рўйхат рақами 498-1-сон).

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Молия вазири М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 15 июнь,  
87-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилади.

**Давлат солиқ құмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 15 июнь,  
2004-36-сон

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ  
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БҮЙРУФИ

**441 Маълумотларни узатиш тармоқлари, шу жумладан  
Интернет хизматларини кўрсатиш қоидаларини тас-  
диқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
5 октябрда 1417-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 15 октябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Конунига мувофиқ, маълумотларни узатиш тармоғи операторлари, Интернет хизмати провайдерлари ва фойдаланувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш мақсадида, **буюраман:**

- Илова\* қилинаётган «Маълумотларни узатиш тармоқлари, шу жумладан Интернет хизматларини кўрсатиш қоидалари» иловага мувофиқ тасдиқлансан.
- Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтказилганидан ўн кун мuddat ўтгандан кейин кучга кириши белгилаб қўйилсан.

**Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги  
бош директори А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 25 август,  
285-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИ  
ҚАРОРИ

**442 Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини хисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 12 сентябрда 1238-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 22 октябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Солик кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солик хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва 2004 йил 30 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги 621-II-сонли Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитаси томонидан 2003 йил 7 мартағи 43-сон ва 2003-37-сонли қарор билан тасдиқланган «Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини хисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага (2003 йил 29 апрель, рўйхат рақами 1238 — Меъёрий хужжатлар ахборотномаси, 2003 йил, 7-8-сон) иловага\* биноан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Молия вазири С. РАХИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 30 сентябрь,  
109-сон

**Давлат солик қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 30 сентябрь,  
2004-59-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**443 Ўзбекистон Республикаси банкларида пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага 4-сон қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
12 октябрда 1156-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 22 октябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 445-сонли қарорига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2002 йил 25 майдаги 14/7-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага (2002 йил 8 июль, рўйхат рақами 1156) иловага мувофиқ 4-сон қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси в.в.б. М. ЖУМАГАЛДИЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 2 октябрь,  
21/13-сон

Марказий банки Бошқаруvininng  
2004 йил 2 октябрдаги 21/13-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси банкларида пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага 4-сон қўшимча**

53-банд қўйидаги тахирдаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Чакана савдо корхоналарига юридик шахсларнинг корпоратив пластик карточкалари бўйича товарларни ойлик товар айланиши ҳажмида сотувлар улуси чекланмаган холда сотишга рухсат берилади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИННИГ  
ҚАРОРИ

**444 Вақтингча олиб кириш (олиб чиқиш) божхона режими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
14 сентябрда 1418-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 24 октябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 16, 22 ва 23-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 17 августдаги 399-сони «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар ва транспорт воситаларини четдан вақтингчалик олиб келиш шартлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитаси **қарор қиласи**:

1. Вақтингча олиб кириш (олиб чиқиш) божхона режими тўғрисидаги низом иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат божхона қўмитаси раиси Б. МАТЛЮБОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 8 октябрь,  
01-02/12-34-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилади.

**Ўзбекистон Республикаси  
 Адлия вазирлиги маълум қилади:  
 вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг  
 умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат  
 рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида  
 2004 йил 2 октябрдан 15 октябргача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Ўзбекистон Республикасида чет эллик юридик шахсларнинг даромад (фойда)ларини соликقا тортиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 15 июндаги 87, 2004-36-сон қарори (янги таҳрирда).

**2004 йил 5 октябрда 1416-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 15 октябрдан кучга киради).**

2. «Маълумотларни узатиш тармоқлари, шу жумладан Интернет хизматлари ни қўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириши агентлиги бош директорининг 2004 йил 25 августдаги 282-сон буйруги.

**2004 йил 5 октябрда 1417-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 15 октябрдан кучга киради).**

3. «Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солигини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 30 сентябрдаги 109, 2004-59-сон қарори.

**2004 йил 12 октябрда 1238-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 22 октябрдан кучга киради).**

4. «Ўзбекистон Республикаси банкларида пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага 4-сон қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 2 октябрдаги 21 / 13-сон қарори.

**2004 йил 12 октябрда 1156-4-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 22 октябрдан кучга киради).**

5. «Вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш) божхона режими тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 8 октябрдаги 01-02 / 12-34-сон қарори.

**2004 йил 14 октябрда 1418-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 24 октябрдан кучга киради).**

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикасида чет эллик юридик шахсларнинг даромад (фойда)ларини солиққа тортиш тартиби тўғрисида йўрикнома ва 1-сон қўшимча. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (1998 йил 8 октябрь, рўйхат рақами 498; 1999 йил 28 сентябрь, рўйхат рақами 498-1).

*Адлия вазирининг 2004 йил 5 октябрдаги 203-мҳ-сон буйруги билан реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжат амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва янги норматив-хуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**